

АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ
КУТУБХОНАСИ

ЭЛДА ИЗЗАТ ТОПГАН АДИБ

Иззат Султон таваллудининг
100 йиллиги муносабати билан

Методик-библиографик қўлланма

Алишер Навоий номидаги
Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти
Тошкент – 2010

78.342

Э 45

Илмий методика бўлими томонидан тайёрланди

Тузувчи	Л. Нарзиев
Муҳаррир	Ж. Қўнишев
Масъул муҳаррир	Ҳ. Маматраимова

Элда иззат топган адиб: Иззат Султон таваллудининг 100 йиллиги муносабати билан: методик-библиогр. қўлланма /Алишер Навоий ном. Ўзбекистон Миллий к-наси; Тузувчи Л. Нарзиев; Муҳаррир Ж. Қўнишев; Масъул муҳаррир Ҳ. Маматраимова. – Т.: Алишер Навоий ном. Ўзбекистон Миллий к-наси нашриёти, 2010. – 30 б.

КБК 78.342 + 83.3(5Ў)6

Ушбу методик-библиографик қўлланма ҳам инқилобни кўрган, ҳам шўро даврини бошдан кечирган, ҳам мустақиллик давридан завқланган аллома, арбоб, адиб, драматург Иззат Султон таваллудининг 100 йиллигига бағишланган бўлиб, унда адибнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида маълумотлар ҳамда ахборот-кутубхона муассасаларида ўтказилиши мумкин бўлган тадбирлар туркуми, адабиётлар рўйхати берилган.

Қўлланма адиб ижоди ва илмий меросини чуқур ўрганиш ҳамда тарғиб қилишда кутубхона, ахборот-кутубхона, ахборот-ресурс марказлари ходимларига ёрдам бериш мақсадида тузилган. Қўлланмадан мутахассислар ва адибнинг фаолиятига қизиқувчи китобхонлар фойдаланишлари мумкин.

© Алишер Навоий номидаги
Ўзбекистон Миллий кутубхонаси
нашриёти, 2010 й.

Сўзбоши

Иззат Султон ўзбек адабиётига ҳисса қўшган кучли қалам соҳиби ва кўпгина асарлари билан адабиёт ихлосмандларини мамнун қилган адабиётшунос, танқидчи, драматурглардан бири ҳисобланади. У ўзбек тилидаги биринчи “Адабиёт назарияси” дарслигининг муаллифи ҳамдир. 1939 йилда нашр этилган мазкур дарслик узоқ йиллар мобайнида нафақат Ўзбекистонда, балки Ўрта Осиёдаги бошқа республикаларда ҳам фаннинг шу соҳаси бўйича бирдан-бир ўқув қўлланмаси бўлган. Иззат Султон ижодида драматургия асосий ўрин эгаллайди.

Иззат Султон драмаларидаги бадиий воситалар оддий ва самимий, дарров кўзга ташланавермайди. Улар маънавий-интеллектуал тайёргарлиги бор китобхон ва томошабинга, тадқиқотчига дарров кўринади. Бунинг боиси битта. У ҳам бўлса, мазкур ижод тарихининг илдизлари ҳаёт чашмаларидан сув ичган, воқелик бағрига яширинган. Ёзувчи қўлига қалам тутқазган, илҳомлантирган, кўнглига яширинган у ёки бу ниятнинг бадиий ғояга айланишига туртки берган далиллар, ҳолатлар, воқеа-ҳодисалар ана шу булоқлардан баҳра олган.

Адибни асар ёзишга даъват этган далил-маълумотлар, воқеа-ҳодисалар драмаларга кўчиб ўтгач, оддийлигича қолмайди, улар жонланади. Муайян образлар, ғоявий йўналишлар, тафсилотлар оғушида санъатдаги янгиланган бадиий ҳаётини бошлайди.

Академик Иззат Султон ижодида “Алишер Навоий”, “Имон”, “Номаълум киши”, “Кўрмайин босдим тиканни”, “Донишманднинг ёшлиги”, “Қақнус”, “Янги одамлар”, “Ойдин кеча асирлигида”, “Истеҳком” сингари драмалар, “Навоийнинг қалб дафтари”, “Адабиёт назарияси”, “Драма – адабий тур сифатида” каби фундаментал тадқиқотлар, “Буюк Алишер”, “Шоир қалби”, “Фидойи” номли кино асарлари, беш юзга яқин илмий-назарий мақолалар, ўзбек адабиёти тарихи ва назариясига оид ўндан зиёд монографиялар, тадқиқотлар муҳим ўрин эгаллайди. Улар Иззат Султон номини Ойбек, Ғафур Ғулом, Абдулла Қаҳҳор, Мақсуд Шайхзода, Миртемир, Зулфия, Асқад Мухтор сингари кўркам ва файзли силсила қаторига қўшади.

Вақт ўтган сари Иззат Султоннинг фанимиз ва санъатимиздаги ўрни сезилмоқда. Унинг серқирра ва сермазмун ижодининг нурли қирралари янада ёрқинроқ кўринмоқда. Иззат Султон яратган асарлар кутубхоналаримизда сақланмоқда ва адибнинг ҳаёти ва ижоди китобхонлар томонидан қизиқиш билан ўрганилмоқда.

Ушбу қўлланма орқали ахборот-кутубхона ва ахборот-ресурс марказлари ва кутубхоналар мутахассисларига Иззат Султон асарларини янада кенгроқ тарғиб қилишни, таваллудининг 100 йиллиги муносабати билан турли хил оммавий тадбирлар ўтказишларини маслаҳат берамиз.

Иззат Султоннинг ҳаёти ва ижодига бир назар

Адабиётшунос, танқидчи, драматург Иззат Отахонович Султонов 1910 йил 29 ноябрда Қирғизистоннинг Ўш шаҳрида туғилган. Мустақилликнинг дастлабки йилларида Иззат Султон билан қилинган мулоқот олим ва драматург фаолияти нақадар кенг қиррали эканини исботлайди. 2007 йилда эса суҳбатдош: филология фанлари доктори Ўткир Шокиров ушбу мулоқотни “Театр” журнаlining 3–4-сонларида “Қакнус қўшиғи” номи остида эълон қилади. Мақолада Иззат Султон ўзининг болалик йилларини шундай эслайди: “Мен бир етим бола эдим. Отам вақтли ўлиб кетган. Биз бешта етим болаларни онам новвойлик қилиб боқарди. Маориф ходимлари бизни етимхоналарга топширишни сўрашганда, онам рухсат бермаган. “Бу боласини боқа олмай қолипти-да”, деган гап бўлиб, уят ҳисобланар эди. Бундан ташқари, етимхонага борганда чўқинтирар экан, чўчка гўшти берар экан, деган миш-мишлар ҳам юрар эди. Бир куни кўчада юрганимда, бир одам: “Сен Отахоннинг боласимсан?”, – деди. Мен “ҳа”, дедим. “Юр мен сени бир жойга олиб бораман”, – деди. Мени шаҳар ҳокимининг уйига олиб борди. Бу уйда етимхона жойлашган экан. Қарасам, ҳаммаёқ оппоқ, чиройли уйлар, оппоқ кийимлар, деворларда расмлар. Мусулмон муаллимлар. Чўчка гўштини ейишни ҳеч ким талаб қилаётгани йўқ. Кечгача ўша ерда бўлиб, “Мен уйга кетаман. Ойим хавотир олади”, – дедим. Ўша одам: “Ойингга мен айтаман, эртага ўзини олиб келаман”, – деди. Эртасига ойимни олиб келди. Ойим ҳам бир кун шу ерда бўлиб, мени ташлаб кетди. Ўша даврда етимхонадаги болаларни “ҳукумат боласи” дейишарди. Шундай қилиб, мен “ҳукумат боласиман”, ўша даврда тарбияланган одамман...”

14 ёшида Тошкентга келган ўспирин “Намуна” номли ишчи-ёшлар мактабида ўқиб, кейин таълим-тарбия техникумини битирган (1929) ва мактабда ўқитувчилик қилган (1930). 1930–1931 йилларда САГУ (ҳозирги Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети)нинг ижтимоий факультетида ўқиган. Низомий номидаги Тошкент педагогика

институтини тугатган (1937). Аспирантурадаги ўқишини (1934–1937) журналистик, танқидчилик фаолияти билан қўшиб олиб борган. 1937 йилдан Иззат Султоннинг қизгин ижтимоий фаолияти бошланган.

Тил ва адабиёт институтининг директор ўринбосари (1937–1942), Ўзбекистон давлат радиоэшиттириш қўмитаси раиси ўринбосари (1942–1943), Тошкент киностудияси директори (1943–1945), Ўзбекистон ХКС раисининг маданият ишлари бўйича ўринбосари (1945–1948), Ўзбекистон Фанлар Академиясининг Тил ва адабиёт институти директори (1948–1951), бўлим мудир (1956 йилдан), Москва Давлат университетининг халқаро адабиёт кафедраси ўқитувчиси (1950–1953), Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси котиби (1955–1958) лавозимларида ишлаган.

Иззат Султон ҳеч қачон илмий ва ижодий фаолиятга бефарқ бўлмади. Устози Фитрат таъсирида адабиёт назарияси бўйича мутахассис бўлган. А. Саъдий ва Фитратдан кейин “Адабиёт назарияси” (1939) мактаб дарслигини яратган. “Бургутнинг парвози” (1940) драмасини ёзган. 1980 йилда олий ўқув юртлари учун “Адабиёт назарияси” дарслигини яратган.

Иззат Султон 1947 йилда филология фанлари номзоди, 1954 йилда филология фанлари доктори илмий даражасини олган. “Навоийнинг қалб дафтари” (1969) Иззат Султон илмий ижодининг чўққиси саналади. Бу асар 1979–1985 йилларда рус тилида А. Зирин таржимасида чоп этилган.

Олимнинг мумтоз фалсафа ва адабиёт соҳасидаги билимдонлиги “Баҳоуддин Нақшбанд абадияти” (1994) монографиясида яққол кўринади. Иззат Султон салкам 40 йил давомида Ўзбекистон Фанлар Академиясининг Тил ва адабиёт институтида сектор бошлиғи, маслаҳатчи сифатида фаолият кўрсатган, Ихтисослашган Илмий Кенгаш раиси бўлган. У “Ўзбек совет адабиёти тарихи очерклари” икки жилдлиги (1961–1962), “Адабиёт назарияси” икки жилдлиги (1978–1979), “Ўзбек совет танқидчилиги тарихи” икки жилдлиги (1987)нинг муаллифларидан бири, муҳаррири бўлган.

“Ўзбекистон санъат арбоби” (1964), “Ўзбекистон Фанлар Академиясининг мухбир аъзоси” (1966), Беруний номидаги Давлат мукофоти лауреати (1970), “Шухрат” медали билан мукофотланган (1992), “Ўзбекистон Фанлар Академиясининг ҳақиқий аъзоси” (1995) бўлган. Иззат Султон 2001 йил 29 июлда вафот этган.

Юқорида келтирилган маълумотлардан кўринадики, Иззат Султоннинг олим ва драматур сифатидаги фаолияти нақадар кенг қиррали эканлигини исботлайди.

Иззат Султоннинг ижодини давом эттирувчи бир қанча шогирдлари бўлиб, улар ҳозирда ҳам ўзбек адабиётига ўз хиссаларини қўшиб келмоқда. Шулардан бири адабиётшунос олим Наим Каримовдир. Иззат Султоннинг ижодий фаолиятини янада кенгрок ёритиш мақсадида Наим Каримовнинг матбуотда эълон қилинган устоз ҳақида мақоласидан фойдаландик.

Адабиёт илмининг султони

1958 йилнинг кузида Тил ва адабиёт институтига ишга келганимда, “Ўзбек тили ва адабиёти” журнали эндигина нашр этила бошлаган, журналнинг навбатдаги сони тайёрланаётган экан. Институт директори Азиз Қаюмовнинг тавсияси билан таҳририятга “Зайнаб ва Омон” достонида қофия” сарлавҳали мақолани бердим. Мақолада Ҳамид Олимжон асарида қофиянинг ички тайёрланиш жараёни устида сўз борар ва масалага бундай ёндашув ўша пайтда озми-кўпми янгилик эди. Орадан уч-тўрт кун ўтгач, мақоланинг Иззат Султонга тақризга берилгани ва унга маъқул бўлганини эшитиб, роса севиндим.

Аммо қизиғи шунда эдики, Иззат Султон мақолани нашрга тавсия этибгина қолмай, мени аспирантурага олишни ҳам таклиф этиб, ўзи илмий раҳбар бўлиш хоҳишини билдирибди. Мен аспирантурани тугатиб, институтга келганим учун Иззат аканинг бу мурувватидан фойдалана олмадим. Лекин шу вақтдан бошлаб Иззат Султон билан бир илмий муассасада ишлаш шарафига муяссар эдим.

Шу вақтга қадар Иzzат Султонни, аввало, “Алишер Навоий” пьесасининг муаллифларидан бири, ўзбек тилида биринчи “Адабиёт назарияси” дарслигини яратган олим сифатида билардим. Ўша пайтда институтда турли-туман йиғилиш ва анжуманлар ўтказилар, уларда кўққисдан Фахри Камол билан Олим Усмон ўртасида баҳс бошланиб, даҳанаки жангга айланиб кетар ва кўпинча Иzzат Султоннинг аралашуви билан мурасага келинар эди.

Олим институтда вақтини кўп ўтказмас, ҳатто ўша кезлари ёзилаётган “Ўзбек совет адабиёти тарихи очерклари”нинг машинкадан чиққан қисмларини ҳам биз – ёшлар унинг Чилонзордаги уйига олиб борардик. Биз борган пайтда Иzzат ака, одатда, дам олаётган бўлар ва биз Замира опанинг истаги билан кўчада унинг уйғонишини кутардик. Мен шундай пайтларда домланинг иш ва ҳордик режимига қатъий амал қилиб яшашини, унинг бу одати Тошкентга эвакуация пайти келган, кейинчалик Москвада танишган рус олим ва адиблари таъсирида шаклланиганини билдим.

Дарвоқе, Иzzат Султон урушдан кейинги йилларда Радио комитетида раис ўринбосари, киностудияда директор лавозимида хизмат қилди. 1948 йили Тил ва адабиёт институтига раҳбар этиб тайинланди. У институтда ишлай бошлаган йилларда комфирқанинг адабиёт ва санъатни боши берк кўчага олиб кирган қарорлари чиққан. Шу қарорлар асосида ўзбек адабиётида ҳам алғов-далғов бошланиб, Шайхзода сингари забардаст ёзувчиларга, “Алпомиш” сингари халқ ижоди дурдоналарига тухмат тошлари отилган. Шундай ташвишли кунларнинг бирида НКВДда ишлайдиган инсофли кишилардан бири Иzzат акага кўнғироқ қилиб, уни ҳибсга олиш ҳақидаги ордерга имзо чекилгани, шунинг учун тезда Тошкентдан чиқиб кетиши лозимлигини айтган. Иzzат ака шу заҳоти академия президенти, ҳамшаҳари ва дўсти Ҳабиб Абдуллаевнинг ҳузурига бориб, унинг ёрдами билан Москвага учиб кетган. У 1951 йилдан 1955 йилга қадар Москва Давлат университетиде Мухтор Авезов билан бир кафедрада ишлаб, талабаларга рус адабиётидан маърузалар ўқиган.

Маълумки, Мухтор Авезов Тошкентда Ўрта Осиё Давлат университетида ўқиган. Ўша вақтда Ўрта Осиё халқлари адабиёти тарихида биринчи миллий роман – “Ўткан кунлар” ёзилган ва бу асар қозоқ адабининг кейинги ижодига бениҳоя катта таъсир кўрсатган. Ўз ватанида рўй берган қирғин-қатағонни кўрган ва ўзи ҳам қатағон гирдобидан қочиб Москвага борган қозоқ адиби Иззат Султон билан суҳбатларида Абдулла Қодирийни оқлаш ва асарларини нашр этиш ҳақида сўз очган бўлса, ажаб эмас. Ҳарҳолда, Иззат Султон Тошкентга қайтиб келганидан кейин шу масалада имконият даражасида саъй-ҳаракат қила бошлади.

У шогирдларидан бири Аҳмад Алиевга Абдулла Қодирий ижодини илмий-тадқиқот мавзуи қилиб берди, Аҳмад Алиевнинг диссертацияси тайёр бўлганида унга қарши чиқувчилар сони кўпайиб кетди. Диссертациянинг институт залида бўлиб ўтган муҳокамаси Фахри Камол билан Олим Усмон “жанг”ларидан кам бўлмади. Фақат бу сафар баҳс мазкур икки тилшунос эмас, балки Иззат Султон билан Ҳомил Ёқубов ўртасида борди. Иззат Султон ҳамкасбини сира ҳам аямай, Абдулла Қодирий ва унинг икки буюк романини мардона ҳимоя қилди.

80-йиллари Иззат Султоннинг “Абдулла Қодирийнинг Ўткан кунлари” пьесаси муносабати билан олим ва драматургнинг бу асарига тош отилди. Иззат Султон адибнинг қамокқа олинишида четда турмаган, бинобарин, унинг “Ўткан кунлар” муаллифи ҳақида асар ёзишга маънавий ҳуқуқи йўқ эди, деган даъволар айтилди. Аммо мен 1937 йилга ва адибнинг оқланишига оид ҳужжатларни ўрганган киши сифатида айтаманки, Иззат Султон устоз адибнинг бадном этилишига мутлақо аралашмаган. Аксинча, унинг оқланишида салмоқли гапни айтган асосий мутахассис Иззат Султондир. Иззат Султоннинг “Ўткан кунлар” романини 50-йилларда нашрга тайёрлаши ва республиканинг етакчи газетасида адиб ҳақидаги дастлабки ижобий мақола билан чиқиши том маънодаги жасорат эди. Негаки у вақтда замон кемаси қаёққа кетаётганини ҳеч ким билмасди. Абдулла Қодирий сингари жабрдийда ёзувчиларни оқлашга уринаётган

кишиларнинг ўзлари тирик қоладими ё йўқми, деган масала ҳали аниқ эмас эди.

Ўтган асрнинг 20–30-йилларида шаклланган аксар адабиётшунослар мумтоз ўзбек адабиёти билан бирга, замонавий адабиёт масалалари билан ҳам шуғулланишган. Иззат Султоннинг номзодлик диссертацияси ҳам Навоийнинг “Мезон ул-авзон” асари тадқиқига бағишланган эди. У мазкур диссертация устида ишлаш жараёнида Навоийни кашф қилиб борди. Буюк шоирнинг 500 йиллиги муносабати билан у ҳақда сахна асарини ёзиш ғояси туғилганида, Ҳамид Олимжон ўзига Уйғун билан бирга Иззат акани ҳам таклиф қилиб бежиз танламаган. Тўғри, асар устидаги ижодий иш Ҳамид Олимжон сафардалиқ пайтида бошлангани учун шоир шаклланган ижодий жараёнга қўшилишни ўзига муносиб кўрмаган.

Иззат Султон мазкур асар устида ишлар экан, бир ҳақиқатни аниқ билди. Бу ҳақиқат шундан иборатки, ҳам ёзувчи сингари ижодкор: фақат ҳамма кўпинча бирор шахсни ёки воқеа-ҳодисани ўрганиш билангина шуғулланади. Ҳолбуки, шу шахс ёки воқеа-ҳодисани тадқиқотчи сифатида ўрганибгина қолмай, у ҳақда бадиий асар ҳам яратиши мумкин. Зеро, ижодкор ҳам маълум маънода тадқиқотчидир.

Ҳаётини ана шундай ақида асосига қурган олим илм билан ижодни мисоли икки қанот қилиб, ижодий жараёнга уринди. Балки у худди шу маҳалда янглишгандир. Балки у олим сифатидагина фаолият олиб борганида ўзбек адабиётшунослигини ҳозиргига қараганда юксакроқ довонга олиб чиққан бўлмасмиди. Аммо биз шунини яхши биламизки, у бизга илм-фанни ҳурмат қилишни ўргатган, шогирдлардан фанга муайян илмий “багаж” билан киришни талаб қилган. Бундай “багажи” бўлмай, бирор тадқиқоти билан илмий жамоатчилик эътиборини қозонмай туриб, фан доктори бўлишга уринган ёшларни хуш кўрмаган. У илмнинг байроғи ҳамини ҳақиқат ҳалол ва меҳнатсевар кишилар қўлида бўлишини астойдил истаган.

Ҳозирги олтмиш ёшлилар 50–60-йилларда Москва телевидениеси “Иракий Андроников ҳикоя қилади...” номли туркум кўрсатувлар намойиш этганини яхши билишади. Иззат

Султон ҳам ҳар сафар институтга келганида Шарқ ва Ғарб адиблари ҳаётидан бирор қизиқ воқеани айтиб берар ва бу воқеани шундай ҳикоя қилар эдики, ҳаммамиз оғзимизни ланг очиб эшитардик. Кунларнинг бирида мен Иззат аканинг шундай ҳикояларидан каттароқ давраларнинг баҳраманд бўлишини истаб, институтда “Иззат Султон ҳикоя қилади...” деган номда кечалар ташкил этмоқчи бўлдим. Лекин бу ният рўёбга чиқмай қолди. Шунга қарамай, мен Иззат акадан рус ёзувчилари, артистлари, рассомлари сингари хотиралар ёзишни илтимос қилдим. Ҳатто: “Иззат ака, “Истеҳком”, “Кўрмайин босдим тиканни” сингари пьесаларингиз бир-икки қўйилиб, сахнадан тушиб кетади. Аммо Қодирийлар, Фитрату Чўлпонлар, Ойбеклар ҳақидаги хотираларингизни ёзсангиз, улар халққа узоқ вақт хизмат қилади”, – деган пайтларим бўлган. Иззат ака шундай қилишга ваъда берган, ҳатто ёза бошлаганди. Аммо унинг вафотидан кейин бу хотираларнинг изи шу пайтгача топилмай турибди.

**Адабиётшунос олим
Наим Каримов**

**Иззат Султон таваллудининг 100 йиллиги
муносабати билан АКМ, АРМ ва кутубхоналарда
ўтказилиши мумкин бўлган тадбирларнинг методик
ишланмаси**

**“Ҳаёт ва адабиёт” мавзуйий-бадиий кечанинг намунавий
сценарийси**

Ушбу тадбир Иззат Султон таваллудининг 100 йиллигига бағишланган бўлиб, уни АКМ, АРМлар ва кутубхоналарда ўтказиш мумкин. Тадбир сценарийси намунавий бўлиб, унга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш мумкин. Тадбирни АКМ (АРМ) раҳбари кириш сўзи билан очади ва тадбир дастури билан, шунингдек, сўзга чиқувчиларни таништиради. Кейин навбатни олиб борувчиларга беради, (тадбирда адабиётлар

кўргазмаси ташкил қилиш ва обзор ўтказиш мақсадга мувофиқ. Сценарийдаги олиб борувчилар ва меҳмонлар сўзи намуна сифатида берилмоқда). Тадбирни икки нафар сухандон олиб бориши мумкин.

(Тадбирга адабиётшуносларни, ёзувчилар, шоирлар, танқидчилар, драматурглар, Ёзувчилар уюшмаси аъзоларини ҳамда Иzzат Султон шогирдларини, шунингдек, Иzzат Султон ижодига қизиқувчи китобхонларни таклиф этиши мумкин).

1-олиб борувчи: Ассалому алайкум кечамизга ташриф буюрган азиз меҳмонлар.

2-олиб борувчи: Ассалому алайкум даврамиз иштирокчилари, азиз китобхонлар, кечамизга хуш келибсиз! Бугун Иzzат Султон таваллудининг 100 йиллиги муносабати билан шу ерга йиғилганмиз.

1-олиб борувчи: Азиз меҳмонлар! Иzzат Султон таваллудига бағишланган “Ҳаёт ва адабиёт” деб номланган бадиий кечани очик деб эълон қиламиз.

2-олиб борувчи: XX аср ўзбек маданияти тарихи ҳақида гап борганда атоқли адабиётшунос олим ва таниқли драматург Иzzат Султоннинг ҳам номини фахр билан тилга оламиз.

Иzzат Султон ўзининг биринчи сахна асари “Бургутнинг парвози” билан драматургияга кириб келди.

А. Спешнев, Уйғун, В. Шкловскийлар билан ҳамкорликда “Алишер Навоий”, ўзи мустақил равишда “Фидойи”, “Малоҳат” киносценарийларни, “Шоир қалби”, “Зарафшон водийларида” опера-либреттолариини ёзди.

1-олиб борувчи: Мустақиллик унинг илҳомига илҳом кўшиб юборди, ижодига янги мазмун олиб кирди. Долзарб мавзуларда мақолалар ёзди. Уларда муаллиф мустақиллик даври ўзбек адабиёти қайси йўналишда ривожланиши керак, деган муаммони адабиётшунослар орасида илк бор кўтарди. “Баҳоуддин Нақшбанд абадияти” китобини ёзди. Ғайбуллоҳ ас-Салом таъбири билан айтганда, “Баҳоуддин Нақшбанд абадияти” мафкура соҳасида қилган улкан хизматининг натижаси деса бўлади. Бу, ўзига хос пурҳикмат эврилиш.

Олим олий мактаблар учун “Адабиёт назарияси” дарслигини истиқлол замони мафкураси асосида қайта ишлади. Асар унинг вафотидан кейин – 2005 йилда “Ўқитувчи” нашриётида чоп этилди.

2-олиб борувчи: Шу ерда мунозарамизни мухтасар қилсак-да, мамнуният ила сўз навбатини Иззат Султоннинг шогирди, адабиётшунос олим Наим Каримовга берсак. Улар устоз ҳақида ўз хотираларини гапириб берсалар. Марҳамат.

Наим Каримов: Устоз Иззат Султон суҳбатларида бўлиш мароқли эди. У киши билан қилган мулоқотларимизнинг бирида домла айтган қуйидаги гаплар ёдимда: “Шуниси қизиқки, қариган маҳалинг энг мароқли ижодий режалар келаверар экан, энг қуюқ фикрлар буткул зикрингни банд этаркан, энг гўзал ғоялар майдонга келар экан. Ва улар ёзувчини безовта қилавераркан. Биз, киночилар таъбири билан айтганда, “уходящая натура” (ўтиб кетаётган ҳодисалар)миз. Шунинг учун айтадиган гапни айтиб қолиш керак. Ўйлайманки, менга ўхшаган – ҳам инқилобни кўрган (етти яшар эдим), ҳам шўро даврини бошдан кечирган, ҳам мустақиллик давридан завқланган кишининг ҳаётий тажрибалари келажак авлодга фойдали бўлса керак. Хотираларим у даврларни тўлиқ, бекам-кўст акс эттиради, дея айта олмайман. Лекин чексиз уммонда офтоб акс этганидек, бир томчи сувда ҳам қуёш аксини кўрамиз. Ўзимни бир томчи сувдек ҳис қилиб, ўтмиш ҳақидаги мулоҳазаларимни ёзиб қолдиришга ҳаракат қиляпман. Бу фикрларнинг яхши бир хусусияти шундан иборатки, улар бошдан кечирилган мушоҳадалардир. Киши дехкон ёки ишчимни, муаллим ёки косибни, адиб ёки сиёсий арбобни – унинг ўзи яшаб ўтган ҳаёт сўқмоқлари – даври ҳақидаги ўй-фикрлари ҳамини қизиқиш уйғотади. Шахс тақдирида даврнинг асосий хусусиятлари сақланади”.

Иззат Султон ижодий фаолияти ана шу ўзгаришлар жараёнида кечди. Хусусан, олим ва адиб дунёқарашидаги эврилишлар билан баробар гўзал санъат асарларининг яратилиши сабабларини кузатиш адабиётшунослар олдидаги муҳим вазифалардир. Иззат Султон эстетикасида реализм

концепциясини ўрганиш алоҳида диққат-эътиборга молик. Алишер Навоий ижоди ва мумтоз адабиётимиз фалсафаси Иззат Султон талқинида, адиб ва олим назарий тафаккуридаги умуммуштарак хусусиятлар, бадиий-эстетик принциплар, тарихий мезонни илмий ва бадиий ўзлаштириш ҳамда ўрганиш тамойиллари, хусусан, Иззат Султон ижодида кино, театр ва драма назарияларининг муштарак ҳамда ўзига хос хусусиятлари сингари бир қанча масалалар ўз тадқиқотчиларини кутаётир. Нафақат Иззат Султон ижоди мисолида, балки умуман, XX аср ўзбек адибларининг бадиий изланишлари асосида ҳаётни, воқеликни эстетик ўзлаштириш спецификаси билан боғлиқ образли тафаккур типлари, ижтимоий-фалсафий, бадиий тафаккур кўринишлари, унинг юз йил мобайнидаги динамикаси, эволюцияси, турғунлик ҳолатлари адабиётшунослар эътиборидан четда қолиб келяпти. Ваҳоланки, адабий матн нафақат яхлит бадиий бутунлик, шу билан бирга, асарнинг юзага келиш тарихини намоён этувчи гўзаллик ҳодисаси ҳамдир. У ижодкор туйғулари ва дунёқарашининг маълум шаклга кирган кўринишидир.

1-олиб борувчи: Ташаккур. Мана, устоз Иззат Султон ижоди ҳақида кўплаб маълумотларга эга бўлдик. Ташриф буюргангиз учун ўз миннатдорчилигимизни билдирамыз. Ижодингизга зафарлар тилаб қоламыз. Ушбу арзимас совғамизни қабул қилиб олсангиз.

Устозга гул совға қилинади.

2-олиб борувчи: Ҳозир сизларга ўқувчиларимиз ижросида Иззат Султон қаламига мансуб “Даҳонинг қайтиши” киносценарийси асосида тайёрланган саҳна кўринишини ҳавола этамыз. Марҳамат.

Саҳнага ўқувчилар ижросида саҳна кўриниши қўйилади.

1-олиб борувчи: Раҳмат. Келгуси ўқишларингизга, ижодларингизга омадлар тилаймиз.

2-олиб борувчи: Энди навбатни ажойиб кўшиққа берамыз. Марҳамат.

Кўшиқ ижро этилади.

1-олиб борувчи: Келинлар, эндиги сўз навбатини Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ўткир Ҳошимовга берсак. Уларнинг ҳам ўқувчиларга, тадбиримиз қатнашчиларига устоз Иззат Султон ҳақида айтадиган сўзлари бор.

Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ўткир Ҳошимов: Ҳар бир авлоднинг шаклланишида шу авлод яшаган даврнинг ижтимоий-маданий муҳити билан бирга, шу муҳитни ўзининг ақл-заковати ва ижодий салоҳияти билан безаб турган кишилар муҳим роль ўйнайди. Камина мансуб бўлган авлоднинг шаклланишида фаол иштирок этган олимлардан бири, менимча, Иззат Султондир.

Иззат Султон қомусий билим соҳибни Фитратнинг шогирди эди. У, худди Фитрат сингари, билим доираси ғоят кенг олим бўлган. У ёшлардан ҳам шундай бўлишни талаб қилган.

Атоқли адабиётшунос олим ва драматург Иззат Султоннинг илмий ва ижодий фаолияти марказида Алишер Навоий мавзуи турган эди, десак муболаға бўлмайди. Буюк ўзбек шоирига бағишланган, ўзбек кино ва театр санъатининг дурдоналари ҳисобланган асарларнинг майдонга келишида унинг ҳам ҳиссаси оз эмас. У олим сифатида Алишер Навоийнинг бой мероси билан қизиқиб, “Мезон ул-авзон” тўғрисида тадқиқот ишларини олиб борди ва бу асарни нашрга тайёрлади. Бундан ташқари, Иззат Султон академик Воҳид Зоҳидов билан бирга Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институтида ўтказилиб келинган анъанавий навоийхонлик анжуманларига раҳбарлик қилиб, улуғ шоир ижодига бағишланган кўплаб илмий мақолалар ёзди. Навоийшунослик фанига муҳим ҳисса бўлиб қўшилган бу мақолалар ҳозир ҳам илмий қимматини асло йўқотмаган.

2-олиб борувчи: Ташаккур. Сиз орқали ўқувчиларимиз, қатнашчиларимиз устоз Иззат Султон ҳақида анча маълумотга эга бўлдилар. Ижодингизга муваффақиятлар тилаб қоламиз. Ушбу арзимас совғамизни қабул қилиб олсангиз.

Устозга гул совға қилинади.

1-олиб борувчи: Энди навбатни ажойиб кўшиққа берамиз. Марҳамат.

Кўшиқ ижро этилади.

2-олиб борувчи: Катта раҳмат. Ижодингизга муваффақиятлар тилаб қоламиз. Келинлар, эндиги сўз навбатини Иззат Султон ҳаёти ва ижоди бўйича илмий иш олиб бор(аёт)ган филология фанлари номзоди (аспирант ёки илмий тадқиқотчи) _____ га берамиз.

Фан номзоди (аспирант ёки илмий тадқиқотчи): Иззат Султоннинг адабий, илмий ижоди, мумтоз адабиётимиз тарихи, XX аср бадиий-эстетик тафаккур тараққиётининг етакчи тамойиллари, муаммолари, улкан сўз усталари (Фитрат, Абдулла Қодирий, Ойбек ва бошқалар)нинг бадиий маҳоратига бағишланган тадқиқотлари, мақолалари адабиётимиз ва адабиётшунослигимизнинг каттагина саҳифасидир. Устоз драматургияси ҳам ижодининг иккинчи қаноти ҳисобланади. Унинг XX аср ўзбек саҳна маданияти тарихида салмоқли ўрни ва аҳамияти бор. Шу боисдан ҳам илмий-адабий муносабатини билдириб, миллий драматургиямиз равнақидаги салмоғини белгилашга интилиб келади. Шу маънода, XX асрнинг 60-йилларидан бугунги кунгача Иззат Султон ижодига бўлган эътибор асло сусайгани йўқ.

Иззат Султоннинг сўнгги йиллар ижоди, хусусан, XX асрнинг 90-йилларида яратилган драмаларининг бадиий-эстетик қиммати, мавзу доираси, муаммолари миллий истиқлол мафкураси нуқтаи назаридан ҳали ўрганилмаган. Ушбу масалаларнинг ойдинлаштирилиши Иззат Султон ижодининг ўзбек саҳна маданияти такомилда тутган ўрни ва ролини бир қадар белгилаш имконини беради. Шу маънода, у қолдирган мерос ва анъана ёш драматурглар учун маҳорат мактаби бўлиб хизмат қилиши, шубҳасиз.

Хусусан, адибнинг адабий-танқидий, эстетик қарашлари билан саҳна асарларини яхлит бирликда, ижтимоий-сиёсий воқеликдан ажратмаган ҳолда тадқиқ этиш вазифаси ҳам ўз тадқиқотчиларини кутиб турибди. Бу хилдаги илмий-назарий умумлашма асарларни, кузатишларни давр тараққиёти, замон эҳтиёжи, адабий ҳаётнинг ўзи тақозо этаётир.

1-олиб борувчи: Катта раҳмат. Ижодингизга муваффақиятлар тилаб қоламиз. Келинлар, эндиги сўз

навбатини Иззат Султон ҳаёти ва ижодига қизиқувчи, унинг асарларини қизиқиб ўқувчи АКМ (АРМ, кутубхона)нинг фаол китобхонларидан бирига берсак. Китобхонимизнинг ҳам ўқувчиларга, тадбиримиз қатнашчиларига устоз Иззат Султон ҳақида айтадиган сўзлари бор.

Китобхон: Иззат Султон драмаларида халқимизнинг юксак маънавий маданияти қатта меҳр-муҳаббат билан тасвирланади. Хоҳ иқтисодий бўҳронлар даврида бўлсин, хоҳ бозор иқтисодиётига ўтиш аснолари бўлсин, хоҳ эмин-эркин доруломон замонлар бўлсин, миллатнинг маънавий-интеллектуал маданияти боқий қадрият сифатида талқин этилади. У ҳамиша жамиятнинг руҳий соғломлигини таъминлаш билан бирга, унинг келгуси тараққиёт йўлларини, шу жумладан, халқимизнинг маънан ва ақлан бойлиги Эзгулик, Адолат, Гўзаллик сингари эзгу башарий қадриятларнинг ҳам боқийлигини таъминлайдиган беназир омил сифатида ўрганилади, талқин этилади, баҳоланади.

2-олиб борувчи: Кўнгилни маърифатли қилиш Иззат Султон пьесаларидан тортиб илмий тадқиқотларигача балқиб турадиган масаладир. Адиб даврнинг маънавий-интеллектуал савиясига, эҳтиёжларига жавоб бериш масаласини биринчи ўринга қўяди. Мазкур талаб ва эҳтиёжлар адабиёт ва санъат олдидаги энг долзарб вазифалар сирасидан, дея таъкидлар экан, ўзидан ва ўз ижодидан ҳам ана шу нарсани қатъий талаб қилади.

Иззат Султон олим сифатида ўзбек мумтоз ва замонавий адабиёти масалаларига бағишланган мақолалари ва асарлари мавжуд. Жамоатчилик Иззат Султонни, аввало, олим сифатида эътироф этди. У чиндан ҳам, аввало, йирик олим эди.

Мана, азизлар устоз Иззат Султон ҳақида кўп нарсаларни эшитдик ва билдик. Шу билан, бугунги кечамиз ҳам ниҳоясига етди. Ташриф буюргангиз учун барчангизга ўз миннатдорчилигимизни билдирамиз. Хайр, соғ-омон бўлинглар.

ДАВРА СУХБАТИ

“Иззат Султоннинг ҳаёти ва фаолияти” мавзуида давра суҳбатини тайёрлаш бўйича тавсиялар

Кутубхоналар, АКМ ва АРМларда Иззат Султоннинг таваллуд кунига бағишлаб давра суҳбатини уюштириш мумкин.

Ушбу тадбирни ўтказиш учун тайёргарлик ишлари бир ой илгари бошланади.

Меҳмонлар (адабиётшунослар, ёзувчилар, шоирлар) ва иштирокчиларга таклифномалар юборилади. Давра суҳбати учун жой танланади. Мавзуга оид адабиётлар кўргазмаси ташкил қилинади. Адабиётлар кўргазмасидаги асарлар юзасидан шарҳ ҳам ўтказиш мумкин.

Давра суҳбати доирасида қуйидаги мавзулар бўйича чиқиш қилиш мумкин:

– ўзбек драмасининг пайдо бўлиши ва Иззат Султон драмалари ҳақида.

– Иззат Султоннинг илк маротаба олий ўқув юртлари учун ёзган дарсликлари ва уларнинг ўша даврдаги ҳамда ҳозирги даврдаги аҳамияти.

– Унинг газета ва журналларда босилган мақолалари.

– Унинг турли жамиятлардаги фаолияти ва тутган мавқеи.

– Иззат Султон драмаларида Шиллер анъаналари ҳақида.

– Ҳаёти ва ижодининг сўнгги йиллари.

Тадбирни бошловчи кириш сўзи билан очади ва ташриф буюрган меҳмонлар (адабиётшунослар, ёзувчилар, шоирлар) билан таништиради ҳамда сўз учун уларнинг бирига навбат беради. Меҳмоннинг чиқиши якунлангач, бошловчи маъруза юзасидан меҳмонга (адабиётшунос, ёзувчи, шоир) китобхонларнинг саволлари бор-йўқлиги билан қизиқади, саволлар бўлса, меҳмоннинг (адабиётшунос, ёзувчи, шоир) жавоби тингланади. Шу тарзда барча таклиф этилган меҳмонлар (адабиётшунослар, ёзувчилар, шоирлар) тингланади. Давра суҳбати сўнггида бошловчи тадбирни якуний сўз билан тугатади.

УЧРАШУВ КЕЧАСИ

Кутубхоналар, АКМ ва АРМларда Иззат Султоннинг таваллуд кунига бағишлаб адабиётшунослар, ёзувчилар, шоирлар билан учрашув кечаларини уюштириш мумкин. Кечага тайёргарлик одатда 3–4 ҳафта олдин бошланади.

Кеча ўтказилаётган залда кеча мавзуси бўйича китоб кўргазмаси ташкил этилади ҳамда кўргазмадаги адабиётлар шарҳи ўтказилади. Плакатлар тайёрланади. Меҳмонларга таклифномалар юборилади. Кутубхонада учрашув кечаси уюштирилаётгани ҳақида эълон берилади.

Учрашув кечасида тадбирни бошловчи олиб боради. У сўзга чиқиб йиғилганларга кечанинг мавзуси ҳақида қисқача маълумот беради. Сўзга чиқувчиларни ҳамда меҳмонларни йиғилганларга таништиради ва сўзга чиқиш учун улардан бирини таклиф этади. Шу тартибда барча сўзга чиқувчилар тингланади. Учрашув кечаси давомида Иззат Султоннинг драмаларидан парчалар ифодали ўқилади ва ушбу ўқиш кутубхонанинг китобхони томонидан бажарилиши ёки драмаларидан сахна кўринишини намойиш этиш мумкин.

Тадбир охирида бошловчи кечада иштирок этганларга, шунингдек, барча ташриф буюрганларга миннатдорчилик билдириб кечани якунлайди.

“Адабиётимиз келажаги” мавзуида китоб кўргазмасини ташкил этиш учун материаллар

1. “Иззат Султон қолдирган адабий мерос”.

Ушбу бўлимга Иззат Султоннинг илмий ва ижодий меросини ўзида мужассам этган ҳамда у ҳақидаги китоблар жойлаштирилади.

2. “Адабиётшунослар сардори”.

Бу бўлимга Иззат Султон ҳақида вақтли матбуотда эълон қилинган мақолалар қўйилади.

3. “Олим заковати, санъаткор маҳорати”.

9. 1960 йилда Иззат Султон ёзган драма?

(“Имон”)

10. Иззат Султоннинг янгилик билан хурофот олами ўртасидаги курашни, янгиликнинг бу курашда қудратли куч эканини кўрсатган асари?

(“Фидойи”)

11. Иззат Султоннинг А. Спешнев, Уйғун, В. Шкловскийлар билан ҳамкорликда ёзган киносценарийси?

(“Алишер Навоий”)

“Иззат Султон драмаларида Шиллер анъаналари”

мавзуида китобхонлар конференциясининг
намунавий сценарийси

Конференцияни ўтказиш тартиби: конференция китобхонларнинг эркин фикрлаши асосида ўтказилиши лозим. Бунинг учун норасмий муҳитни ташкил этиш керак бўлади. Бу бошқарувчининг ташкилотчилигига, маҳоратига, нотиклик қобилиятига боғлиқ. Сўзга чиқувчилар расман эълон қилинмаслиги зарур. Бошқарувчи ҳар бир масалага, ҳар бир сўзга чиқувчига ўз муносабатини билдириб, уларни бир-бирига боғлаб борса, мақсадга мувофиқ бўлади. Бунинг учун бошқарувчи 1 ой мобайнида мавзу бўйича кўплаб маълумотлар билан танишишига улгуриши, сўзга чиқувчилар билан алоҳида ишлаши зарур. Сўзга чиқувчилар учун сўз матни аввалдан ёзиб берилмайди ва у ўқиб берилмайди. Конференциянинг бориши ҳақида баённома ёзиб борилади.

Конференцияни бошловчи қуйидаги сўзлар билан очиши мумкин.

Бошловчи: XX асрнинг 20-йилларида Ўзбекистонда Шекспир ва Шиллер асарларига қизиқиш нихоятда кучайди. Бу даврни шарғли равишда Шекспир-Шиллер даври десак, муболаға бўлмас. Ўша вақтларда Чўлпон немис тилини ўргана бошлайди. Ғарб шеърляти, драматургияси янги ўзбек назми асосчисини маҳлиё қилади. Инглиз драматургияси, шеърлятидан ташқари, немис шоири ва драматурги Шиллер асарлари ҳам ўзбек зиёлилари диққатини ўзига жалб этади. Ўтган асрнинг 30–40-йилларида наср, назм, драматургияда

шиллерона оҳанглар пайдо бўла бошлади. Бу таъсир белгилари ўша давр шоир ва ёзувчилар ижодида кўзга ташланади.

Шиллер анъаналарининг изларини адабиётшунос олим, моҳир драматург, айти пайтда, танқидчи ва таржимон Иззат Султон ижодида ҳам кўриш мумкин. У жаҳон классикасидан ўзбек адабиётига, шахсан ўз ижодига кўп таъсир кўрсатган адиблардан Шекспир, Шиллер ва Островский номларини тилга олади, ўзини уларнинг бир ўқувчиси, томошабини, шогирди ҳисоблаб, бу буюк сўз санъаткорлари ижодига ўзида кучли мойиллик, руҳий ва эстетик жиҳатдан ички яқинлик ҳис қилади. Шу жиҳатдан ҳам унинг ижодида драматургия асосий ўрин эгаллайди.

Келинлар, энди китобхонлардан устоз Иззат Султон драмаларида Шиллер анъаналарининг тутган ўрни ҳақида фикр-мулоҳазаларини эшитсак. Марҳамат.

Биринчи китобхон: Иззат Султон Шиллер ижодига бир неча бор мурожаат қилиб, ундан руҳланган, унинг адабий меросини мутолаа этгани сайин кўз олдида ҳар гал турфа рангдаги янги бир олам намоён бўлардики, бу рангин олам оғушида адиб ўтказган дақиқалар бесамар қолмади. Бундан ташқари, немис адибининг адабиёт назарияси учун ниҳоятда муҳим бўлган инсон руҳий ва биологик табиатининг ўзаро алоқаларига доир илмий ишлари, театр санъати бўйича яратган тадқиқотлари, эстетикага оид илмий-назарий мақолалари унинг учун ижод жараёнида қўлланма вазифасини ўтади. Улуғ сўз санъаткори адабий меросига интилиш, ундан ижодий ўрганиш, ички мушоҳада Иззат Султон драматургиясининг юксалишига, ижодининг ранг-баранг қирралари кашф этилишига туртки бўлди.

Бошловчи: Раҳмат. Дарҳақиқат, адибнинг драма сирларини ўрганишида кўпгина Ғарб классиклари қатори, Шиллер мероси ҳам ижодий мактаб бўлганлигини алоҳида таъкидлаш зарур. Иззат Султоннинг Шекспир ва Шиллер ижодиётига муносабатини аниқлашда унинг академик С. Мамажонов билан қилган “Театр ва томошабин” мавзусидаги суҳбати ва “Улуғ рус адабиёти – менинг ижодимда” рукни остида чиққан “Мўъжизакор лангар” мақоласи, айниқса, характерлидир.

Энди навбатни кейинги китобхонимизга берамиз. Марҳамат.

Иккинчи китобхон: Иззат Султон Шиллер драматургияси принциплари билан изчил танишган, ундан драма жанри сирларини ўрганган, бироқ у зинҳор тақлид йўлидан бормади. Жаҳон классикларидан ўрганишнинг бош мезони – тақлидчиликдан қочиш, оригинал йўл танлаш, “ўзлигига содиқ қолиш” принципи асосида иш кўриш, мустақил фикрлаш эканлигини адиб яхши тушунган. У буюк салафларидан нимани ўрганмасин: драма жанри хусусиятлариними, театр санъати сирлариними, ижодда янгилик яратиш усулиниими ёхуд Шиллер асарларидаги тенденциянинг очиқ қўйилишиними, хуллас, бу борадаги назарий-амалий тажриба ва билимларига ўз ижодий имконини улаб, ундан илмий-амалий хулосалар чиқарган.

Бошловчи: Раҳмат. Чунончи, у Шиллердан ўқиб-ўрганиб қолмасдан, жаҳон драматургияси принципларини тушунган етук олим сифатида драмаларидаги баъзи кўринишлар ҳақида танқидий фикрлар ҳам билдиради. Жумладан, у Шиллер персонажлари нутқидаги сахна асари табиатига зид чўзиқликка танқидий кўз билан қарайди, бу каби кўринишларни ўз ижодида такрорламасликка ҳаракат қилади.

Энди навбатни кейинги китобхонимизга берамиз. Марҳамат.

Учинчи китобхон: Театр санъатининг кучини яхши англаган Иззат Султон бутун ижодий имконини драма жанри принципларини чуқур эгаллашга қаратади, чунки бу жанр адабиётшунослигимизнинг бошқа тармоқларига қараганда ҳар қандай масалани халққа тез етказадиган таъсирчан жанрлардан ҳисобланади. Иззат Султон драматургиясининг мавзуи ранг-барангдир. Унда халқимиз тарихига оид воқеа-ҳодисаларнинг бадиий реалистик ифодасидан тортиб то замондошларимиз ҳаёти чуқур ва ҳаққоний таҳлил қилинган ижтимоий-ахлоқий масалалар тасвиригача бўлган кўпгина масалаларни кўрамиз. (Чунончи, “Имон”, “Номаълум киши” драмалари).

Бошловчи: Раҳмат. Ҳа, у драма яратиш услубида, жанр хусусиятларини белгилашда, асар оҳангида, образлар характерини яратишда миллий руҳни акс эттирадиган ўзига хос

оригинал бир йўл танлаганки, бу ўзбек драматурги ижодининг парвозига қанот бахш этди.

Энди навбатни кейинги китобхонимизга берамиз. Марҳамат.

Тўртинчи китобхон: Ҳа, ҳақиқатан ҳам, “Номаълум киши”да жаҳон адабиётида йирик мавзу ҳисобланган “олиҳиммат ўғрилар” мавзуси ёритилган. Драма тарихий материаллар, фактлар асосида ёзилган. У асарга Ниёз образининг прототиби, кўзғолончи деҳқонлар бошлиғи, тарихий шахс Номоз Пиримқул ўғли ҳаёт йўлини асос қилиб олиб, шу аснода 1905 йилги Бухоро амирлигида бўлиб ўтган воқеа-ҳодисалар ва озодлик ҳаракатининг стихияли поғонасини тасвирлайди. “Номаълум киши” ўзбек адабиётида Номоз ҳақида ёзилган ilk драматик асар (У 1968 йилда “Тонг олдидан” сарлавҳаси остида опера қилинган эди). Унда хужумкор, романтик образ Ниёзни, унинг амир амалдорларига қарши курашларда бошидан кечирган тафсилотларини тасвирлашда, тарихий ҳаёт материалларига санъаткорона ёндашишда адибнинг шиллерчасига йўл тутганлиги сезилади.

Шиллернинг “Қароқчилар” романтик драмаси билан Иззат Султоннинг “Номаълум киши” асари ўртасида типологик ўхшашликлар мавжуд: айти бир мавзу, айти бир жўшқин инқилобий руҳ, айти бир ёшлик ғурури, айти бир романтик туйғу, айти бир аёл образи, айти бир камчиликлар. К. Моор (Ф. Шиллер) миллий озодликка, тенгликка интилган, халқнинг эрк-хуқуқи учун курашган бир гуруҳ ёшларнинг сардори сифатида хужумкор образ қилиб тасвирланса, Ниёз (Иззат Султон) ҳам айти шу мақсадлар йўлида нафас олаётган, шу руҳ билан яшаётган курашчан образдир. “Қароқчилар”да инқилобий руҳ қанчалик кучли бўлмасин, К. Моор ва унинг сафдошлари қанчалик исёнкор образлар қилиб тасвирланмасин, қаҳрамонлар жамиятга “очикдан-очик уруш эълон қилмасин”, барибир, бу жамият устидан ғалаба қила олмайдилар, чунки исёнкорлар ва улар яшаётган муҳит инқилоб учун сиёсий жиҳатдан етилмаган эди. “Номаълум киши”да ҳам айти шу камчиликлар. Бироқ буни асар қусури ёки муаллифларимиз камчилиги, дея эътироф

этолмаймиз. Бу белгилар ўша тарихий даврнинг, ижтимоий муҳитнинг жонли ифодасидир.

Бошловчи: Раҳмат. Иззат Султон драмани яратиш даврида Ўзбекистоннинг жуда кўп жойларида – Самарқанд, Бухоро, Фарғонада бўлиб, 11 та Номозни топган. Номоз фаолияти билан боғлиқ воқеаларнинг асосий қисмини у Самарқанд билан Бухоро оралиғига жойлашган Миён қалъада яшовчи маҳаллий халқдан эшитади. У ердаги халқ шоирини асарга Нурбобо образи қилиб олиб киради. Иззат Султон Номоз Пиримқул ўғли ҳақидаги фактик материалларга, халқ бахшилари тўқиган терма ва кўшиқларга қайта-қайта мурожаат қилган, таржимаи ҳолини ўрганиб чиққан. Аммо “Қароқчилар”нинг ёзилиш тарихи бироз бошқача. Шиллер бу асарни дўсти, таниқли немис шоири Даниэл Шубарт (1739–1791)нинг “Инсон руҳи тарихидан” (1778) ҳикояси асосида яратган. Даниэл Шубарт Шиллерга бир-бирига ашаддий душман бўлган икки ака-ука тарихини ҳаяжон билан гапириб берган. Бундан таъсирланган Шиллер шу кичик оилада бўлган реал воқеага жуда катта фалсафий мазмун юклаб, уни даврнинг ижтимоий воқеалари билан боғлаб, сахна учун катта драматик асар яратади.

Энди навбатни кейинги китобхонимизга берамиз. Марҳамат.

Бешинчи китобхон: Шиллер эстетик принципларидан озикланган Иззат Султон ижодий йўналишидаги бу очик тенденция адибнинг умумий ижодига хос фазиладир. Драматург турли даврларда яратган, мавзуи ранг-баранг, “Навой”, “Бургутнинг парвози”, “Имон”, “Номаълум киши”, “Истеҳком” драмаларининг барида Шиллер мактабидан ижодий ўргангани, унинг сабоқларига амал қилгани равшан сезилиб туради.

“Имон” драмаси замонавий материалда, ўткир ижтимоий-ахлоқий масаланинг бадиий талқин қилиниши билан “Номаълум киши”дан фарқ қилади. Унда муаллиф кишиларнинг маънавий дунёсидаги жуда катта ижтимоий муаммоларни, даврнинг мураккаб вазиятини, шу туфайли келиб чиққан фикрлар қарама-қаршилигини Комиловлар оиласи тимсолида ёритади. У адиб ижодидаги бошқа асарларга қараганда очик тенденциянинг

янада кучлилиги билан ажралиб туради. Асарда виждон, имон, эътиқод, ахлоқ каби бир қатор бир-бирлари билан узвий боғлиқ бўлган ўткир ҳаётий масалалар кўтарилган. Дарвоқе, бундай маънавий масалалари XX асрнинг 60–70-йилларида ўзбек адабиётида асосий ўринни эгаллай бошлаган эди. Бундан адибнинг асосий мақсади, ғоявий нияти, биринчидан, асар конфликтини кучайтириш бўлса, иккинчидан, китобхонларга давр, замон руҳини англаштирди.

Бошловчи: Раҳмат. Конференцияга хулоса қилиб айтиш мумкинки, Иззат Султон драматургияси ўзбек адабиётида ўз ўрнига эга. Адиб ўзига хос услуби, оҳанги, драма яратишдаги усуллари билан замондош ижодкорлардан ажралиб туради. У Ғарб драматургиясининг йирик намояндалари ижодидаги анъаналарни давом эттирди, уларнинг принципларидан ижодий ўрганди. Шу тариқа Иззат Султоннинг илмий тадқиқотлари билан биргаликда, драмалари ҳам ўзбек адабиёти тараққиётида сезиларли из қолдирди. Ижодкорнинг бундай муваффақиятга эришувида Ғарб драматургиясининг йирик намояндалари қаторида “немис трагедиясини яратган” даҳо санъаткор Шиллер ижодининг ҳам самарали таъсири борлиги шубҳасиз.

Мана, азизлар! Шу билан бугунги конференциямиз ҳам ўз ниҳоясига етди. Ташриф буюрганингиз учун миннатдорчилигимизни билдирамиз. Хайр, соғ-омон бўлинглар!

Адабиётлар

Султон Иззат. Пьесалар. Мақолалар. – Т.: Бадиий адабиёт нашриёти, 1959. – 372 б.

Султон Иззат. Имон: икки пардали драма. – Т.: Ўзадабийнашр, 1961. – 81 б.

Султон Иззат. Номаълум киши. Шоир қалби: шеърӣ драмалар. – Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1965. – 231 б.

Султон Иззат. Навоийнинг қалб дафтари: буюк шоирнинг ҳаёти билан ижоди ўзининг ва замондошларининг тасвирида. – Т.: Ўзадабийнашр, 1969. – 415 б.

Султон Иззат. Истеҳком: драматик асарлар. – Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1981. – 287 б.

Султон Иззат. Асарлар: 4 томлик. Т. 1–4. – Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1971–1974.

Т. 1. Драматургия. – 1971. – 440 б.

Т. 2. Ҳаёт, адабиёт ва маҳорат: адабий-танқидий шеърлар. – 1972. – 424 б.

Т. 3. Навоийнинг қалб дафтари: буюк шоирнинг ҳаёти ва ижоди – ўзининг ва замондошларининг тасвирида. Тўлд. ва тузат. 2-нашри. – 1973. – 423 б.

Султон Иззат. Адабиёт назарияси: дарслик. – Т.: Ўқитувчи, 1980. – 392 б.

Султон Иззат. Адабиёт назарияси: дарслик. 2-нашри. – Т.: Ўқитувчи, 1986. – 406 б.

Султон Иззат. Баҳовуддин Нақшбанд абадияти: нақшбандия тариқатининг замонавий аҳамияти ҳақида жажжи тадқиқот. – Т.: Фан, 1995. – 87 б.

Султон Иззат. Адабиётимиз келажаги //Шарқ юлдузи. – 1994. – № 11–12. – Б. 3–14.

Султон Иззат. Азиз остонада сўз //Ўзбекистон адабиёти ва санъати. – 1990. – 21 дек.

Султон Иззат. Биз кўчув давридамиз //Шарқ юлдузи. – 1993. – № 3–4. – Б. 148–152.

Султон Иззат. Дам бу дамдир, дам бу дамдир, дам бу дам...
Шоир Абдулла Шер билан суҳбат //Соғлом авлод. – 1996. – № 1.
– Б. 18–23.

Султон Иззат. Йигирма уч кунда ёзилган драма //Respublika.
– 1998. – 23 okt.

Султон Иззат. Мунаввар дилли бунёдкорлар эътиқоди //Фан
ва турмуш. – 1995. – № 2. – Б. 26–28.

Султон Иззат. Оилавий сир //Гулистон. – 2005. – № 3. –
Б. 36–40.

Султон Иззат. Ойдин кеча асирлигида //Гулистон. – 2000. –
№ 3. – Б. 24–28.

Султон Иззат. Раҳбар ҳақида сўз: ўзбекни ўзбек қилиб
турганлар //Мулоқот. – 1991. – № 2. – Б. 13–19.

Султон Иззат. Семурғ паноҳида: Янги иқтисодий шароитда
Ўзбекистон //Ўзбекистон адабиёти ва санъати. – 1994. – 2 сент.

Султон Иззат. Талантнинг бирлаштирувчи қудрати
//Ўзбекистон адабиёти ва санъати. – 1991. – 29 март.

Султон Иззат. Тарих ва замонавийлик. Маҳмуд Саъдий
билан суҳбат //Гулистон. – 1981. – № 1. – Б. 12–15.

Султон Иззат. Тонглар – ёруғлик энагаси. Н. Раҳимжонов
билан суҳбат //Гулистон. – 1999. – № 5. – Б. 17.

Султон Иззат. Қайта туғилиш арафасида. Н. Раҳимжонов
билан суҳбат //Ўзбекистон адабиёти ва санъати. – 1999. – 19
март.

Иззат Султон. Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. 4-жилд.
Зебуннисо – Кониғил /Таҳрир хайъати: М. Аминов, Т. Даминов,
Т. Долимов ва бошқ. – Т.: “Ўзбекистон Миллий
энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2002. – Б. 93.

Мирвалиев С., Шокирова Р. Ўзбек адиблари: XX аср ўзбек
адабиёти /Масъул муҳаррир Н. Каримов. – Т.: Фан, 2007. – 272
б.

Отажонова М. О. Иззат Султоннинг сўнгги йиллар
драматургиясида замон ва қаҳрамон концепцияси: филол. фан.

ном. дисс. – Т.: ЎРФА Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт ин-ти, 2007. – 145 б.

Шокиров Ў. Иззат Отахонович Султонов. – Т.: Фан, 1981. – 39 б.

Абдуллаева Р. Иззат Султон драмаларида Шиллер анъаналари //Ўзбек тили ва адабиёти. – 2008. – № 6. – Б. 10–18.

Абдусаматов Ҳ. Адабиётшунос аллома //Хуррият. – 2004. – 15 сент.

Акбаров Ҳ. Олим заковати, санъаткор маҳорати //Маърифат. – 2008. – 29 окт.

Алибеков Б. Иззат Султон: олим заковати, санъаткор маҳорати //Халқ сўзи. – 2002. – 28 апр.

Алиев А. Иззати баланд инсон эди //Ўзбекистон адабиёти ва санъати. – 2004. – 17 сент.

Атабаев У. Олим заковати //XXI аср. – 1999. – 8 апр.

Билалхўджаев А. Устоз ўғитлари //Халқ сўзи. – 2000. – 23 дек.

Каримов Н. Иззат Султон: адабиёт илмининг султони //Ўзбекистон адабиёти ва санъати. – 2007. – 27 июл.

Каримов Н. Иззат Султон: устод сабоқлари //Ўзбекистон адабиёти ва санъати. – 2009. – 13 март.

Мамажонов С. Истеъдоднинг кўш қаноти //Совет Ўзбекистони. – 1991. – 4 янв.

Насриддинов Ф. Адабиётшунослар сардори //Маърифат. – 2004. – 19 май.

Отажонова М. Иззат Султон драмаларида замонавий қаҳрамон //Илм сарчашмалари. – 2003. – № 1. – Б. 57–60.

Раҳимжонов Н. Устоз сабоқлари //Ўзбекистон адабиёти ва санъати. – 2007. – 21 дек.

Сиёев С. Шеърдан либос кийиб безанди //Науот. – 2009. – 12 нояб.

Убайдуллаев Ш. Устозни ёд этиб //Хуррият. – 2004. – 8 сент.

Шарафиддинов О. Алвидо, Устоз //Ўзбекистон адабиёти ва санъати. – 2001. – 3 авг.

Шокиров Ў. Аллома, адиб, арбоб //Санъат. – 1992. – № 2. –
Б. 10–11.

Шокиров Ў. Иззат Султон “Қақнус кўшиғи” //Театр. –
2007. – № 3–4. – Б. 28–30.